



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 ноябрь, № 250 (9145)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«БЕШ МИЛЛИОН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЕТАКЧИЛАРИ» ЛОЙИҲАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.



Тадбирдан аввал давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ёшлари томонидан яратилган сунъий интеллект лойиҳалари ва стартаплар тақдими билан танишди.

Иқтидорли ёшлар билан мулоқотда давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари соҳасининг стратегик аҳамияти, унинг мамлакат барқарор ривож ва рақобатбардошлигида ҳал қилувчи ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлади. Тақдим этилган турли соҳаларга оид инновацион ишланмалар Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий рақамли экотизим ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг реал самараси эканлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Президент стартап ва технологик ташаббусларни

қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ишланмаларни миллий миқёсда амалиётга татбиқ қилиш ҳамда уларни халқаро бозорга олиб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Бу бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари форумнинг очилишида нутқ сўзлар экан, унинг барча иштирокчиларини самимий кутлади.

XXI асрда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш ҳар бир мамлакат тараққиётининг асосий мезони сифатида намоён бўлмоқда.

Сунъий интеллект эндиликда фақат айрим соҳалар учун эмас, балки иқтисодиётнинг барча тармоқлари, давлат бошқаруви ва кундалик яшаш тарзимизга чуқур кириб келаётган

фундаментал омилга, ҳаётий заруратга айланмоқда.

— Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида улкан ном қозонган буюк олимлар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, мантик фанлари равнақиға муносиб ҳисса қўшиб, ҳозирги сунъий интеллект ривож учун асос солишда қатнашган, десак, асло муболаға бўлмайди, — деди Президентимиз.

Ана шу бебаҳо мероснинг давомчилари сифатида энг илғор, замонавий технологияларга очик бўлишимиз, уни тараққиётимизнинг кучли таянчига айлантиришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сунъий интеллект трансформациясини амалга ошириш учун илк қадам

сифатида дунёдаги етакчи давлатларнинг энг илғор тажрибаси асосида Миллий стратегия қабул қилиниб, ҳаётга фаол татбиқ этила бошланди.

Бунинг натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотига рақамли иқтисодиёт улуши икки карра ошди. Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар йўналишида қарийб 2 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди.

Мамлакатимизда АТ хизматларининг экспорти ҳажми ўтган йиллардагига нисбатан 4,5 карра ўсиб, 1 миллиард долларга яқинлашгани ҳам ушбу соҳадаги ислохотларнинг натижадорлигини яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, куни кеча илк бор

инглиз ҳуқуқига асосланган махсус режимида фаолият юритадиган Рақамли технологиялар халқаро маркази ташкил этилди.

АТ соҳасида таълим бераётган олий таълим муассасалари қарийб 3 бараварга ошиб 145 тага, талабалар сони эса 80 минг нафарга етди.

Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда 2019 йилда бошланган ташаббус — “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида икки миллиондан ортиқ ёшларимиз билим ва кўникмаларини оширди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали бу борада 100 га яқин ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олмақда.

— Биз ишонамиз: улар эртага юртимизга қайтиб сунъий интеллект-

нинг энг сўнги ютуқларини таълимга, иқтисодиётга, давлат бошқарувида жорий қилишда етакчи кучга айланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, сунъий интеллектни таълим тизимига жорий этиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, мактаб ва университетларда соҳа бўйича саводхонликни ошириш дастурлари амалга оширилмоқда.

Сунъий интеллект технологиялари тармоқлар самарадорлиги, айниқса, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга янги куч ва мазмун бағишламоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
28 ноябрь куни Бирлашган Араб
Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича
вазир Муҳаммад бин Абдуллоҳ
ал-Гаргавий бошчилигидаги
делегацияни қабул қилди.**

Учрашув аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳён ва мамлакат Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг самимий салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — БАА дўстлиги ва стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, жорий йилнинг январь ойида БААга амалга оширилган олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда БАА ҳукумати билан 40 дан ортиқ йўналишларда 300 дан зиёд ташаббуслар, жумладан, “Ҳукумат акселератори”, “Бир миллион дастурчи” ва “Ёш етакчилар” каби муҳим дастурлар амалга оширилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича қабул қилинаётган янги беш йиллик дастурни кенг қўламда амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бюрократияни камайтириш, сунъий интеллект соҳасида 5 миллион нафар промт-муҳандисни ўқитишда БААнинг илғор тажрибасини жорий этиш ҳамда “Ёш авлод” ва “Китоб челленжи” лойиҳаларини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик режаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик қўришга келишиб олинди.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва вазир Муҳаммад ал-Гаргавий Ўзбекистон — БАА муносабатлари тарихига бағишланган кўргазма билан танишди.

ЎЗА.

ҲАР БИР ҚАРОР, ҲАР БИР ХИЗМАТ, ҲАР БИР ЖАРАЁН ФАҚАТ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бюрократияни бартараф этиш масалаларига бағишланган халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари, давлат хизмати соҳасидаги етакчи экспертлар ва жамоатчилик фаоллари қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида анжуманини ташкил этишдаги кўмаги учун Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавийга самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу мамлакат халқи ва раҳбариятини яқинлашиб келаётган айём — Бирлашган Араб Амирликлари ташкил этилган кун муносабати билан муборақбод этди.

— Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган инсонпарвар ғояга амал қиляпмиз, — деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун бюрократия, оворагарчилик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва рақамлаштириш, давлат органлари фаолиятини маъбуллаштириш, аҳоли билан давлат идоралари ўртасида тўғридан-тўғри

мулоқот ўрнатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда республика-мизда бюрократияни қисқартиришга қаратилган 9 та Фармон ва қарор қабул қилинди. Давлат хизматлари марказлари, Ягона портал платформаси, “Рақамли ҳукумат” каби тизимларнинг ташкил этилиши натижасида давлат хизматлари халқимиз учун янада қулай, тезкор ва шаффоф бўлмоқда.

Хусусан, 2017 йилда фақат 444 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1 минг 40 тага етди. Бунда кўрсатилган хизматлар сони қарийб 10 баробарга кўпайиб, 55 миллиондан ошди. 90 дан ортиқ хизматларни проактив ва композит шаклда кўрсатиш йўлга қўйилди.

Масалан, туғилиш билан боғлиқ хизматларнинг композит шаклда кўрсатилиши ҳар йили қарийб 1 миллион фуқароларга қулайлик яратмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий нафақалар, шунингдек, ёшга доир пенсия тайинланиши аҳоли муружаатларисиз автоматик тарзда амалга оширилмоқда.

Рақамлаштириш натижасида 30 турдаги хизматларни реал вақт режимида олиш имконияти яратилди. Жорий йилнинг ўзида

8 миллионга акин хизматлар автоматик равишда кўрсатилди. Хужжат алмашинувиининг электрон шаклга ўтказилиши аҳолининг йилга 23 миллиард сўм маблағлари тежалишига имкон бермоқда.

Шу билан бирга, бизнес вакилларига ҳам енгиллик ва қулайликлар яратиш мақсадида 160 дан зиёд лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. 150 дан ортиқ рухсатномалар бугунги кунда электрон шаклда берилмоқда, 140 турдаги хужжат ва маълумотларни талаб қилиш амалиётига чек қўйилди.

Давлат хизматлари экстерриториал тамойил асосида кўрсатила бошланди. Шунингдек, “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили амалиётга жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бугун бюрократияни камайтириш бўйича алоҳида дастур тасдиқланганини маълум қилди. Ушбу хужжат, энг аввало, давлат ва аҳоли, давлат ва бизнес ҳамда давлат тузилмасининг ички муносабатларида бюрократияни бартараф этиш, ҳар томонлама қулай давлат хизматлари экотизимини яратишни назарда тутди.

— Пировард мақсадимиз — 2030 йилга қадар Ўзбекистонни ортиқча бюрократиядан холи бўлган ҳудудга айлантиришдан иборатдир, — деди Президент.

Дастур доирасида 2030 йилга қадар амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, давлат хизматлари сони 1,5 мингтага, электрон хизматлар улуши 95 фоизга етказилади. Келгуси йилнинг ўзида 250 та хизматлар электрон шаклга ўтказилиши, қўшилган қиймат солиғини қайтариш каби хизматлардан электрон фойдаланиш йўлга қўйилади.

Янги Ўзбекистонда “Қоғозсиз ҳукумат” тизимига тўлиқ ўтилиб, қоғоз айланимасидан бутунлай воз кечилади. Мавжуд 40 миллион хужжатдан 25 миллиони, шундан кейинги йилнинг ўзида 5 миллиони рақамлаштирилади.

Проактив ва композит хизматларнинг сони 400 тага етказилади. Келгуси йилнинг ўзида 180 турдаги бундай хизматлар жорий этилади.

— Натижада фуқаро муружаат қилмасдан унга хизмат кўрсатиладиган тизимга ўтамин, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, барча давлат хизматлари хатловдан тўлиқ ўтказилади. Бунда бир-бирини такрорловчи, кераксиз, фуқароларга юк бўлаётган талаблар бекор қилинади.

Лицензия ва рухсатномалар бериш, коммунал тармоқларга

улиниш, қурилиш соҳасида 300 дан ортиқ давлат хизматлари соддалаштирилади. Масалан, 4 та коммунал тармоққа ягона ариза асосида улиниш имконияти яратилади.

Хизмат кўрсатиш муддатлари кескин қисқартирилади ҳамда ортиқча хужжат ва маълумотлар талаб қилиш бекор қилинади.

100 дан зиёд давлат хизматларининг кўрсатиш муддатлари 50 фоизга қисқаради. 110 дан ортиқ маълумот ва хужжатлар талаб қилиш тўлиқ бекор қилинади.

Давлат хизматлари портали, “Лицензия” тизими, “Ягона дарча” божхона платформаси ва колл-марказлар тўлиқ сунъий интеллект асосида ишлашга ўтади.

Ҳар йили вазирлик ва идоралар фаолияти махсус рақамли платформа орқали баҳоланади. Энг яхши натижага эришган идоралар ва ходимларни рағбатлантириш тартиби жорий этилади.

Дастур натижадорлигини доимий равишда мониторинг қилиш, вазирлик ва идораларнинг бюрократияни қисқартиришга доир фаолиятини мувофиқлаштириш учун алоҳида Дастур офиси фаолияти йўлга қўйилади.

(Давоми 2-бетда).



«БЕШ МИЛЛИОН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЕТАКЧИЛАРИ» ЛОЙИҲАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, рақамли диагностика тизимлари жорий этилиши натижасида 50 мингдан ортиқ беморларга сунъий интеллект ёрдамида аниқ ташхис қўйилди. Бу шифокорларнинг иш юкларасини сезиларли даражада қамайтириб, тиббий хизмат кўрсатиш вақтини 5 — 7 баробар қисқартирди.

Яна бир мисол. Қорақалпоғистонда ўтказилган умуммиллий "Саломатлик марфони" доирасида 45 — 65 ёш орасидаги аёллар ўртасида 4 мингга яқин маммография текширувлари амалга оширилди.

Дастлабки текширув тасвирларининг 70 фоизи юртимиз мутахассислари томонидан яратилган сунъий интеллект платформаси орқали таҳлил қилиниб, уларнинг 98 фоизи шифокорлар томонидан тасдиқланди. Ташхис қўйиш вақти бир неча кундан икки соатгача қискарди.

АТ соҳасидаги инновацион экотизим ҳам сезиларли ўсди. Стартгаплар сони сўнгги йилларда 10 баравар ошиб, умумий ҳисобда 300 миллион доллар инвестиция жалб қилинди.

Давлатимиз раҳбари форумда иштирок этаётган халқаро ташкилотлар ва жаҳоннинг етакчи компанияларини юртимизда сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликка чақирди.

Хорижий экспертлар кейинги беш йилда сунъий интеллект технологиялари Ўзбекистон иқтисодиётида камда 10 миллиард долларлик қўшимча қиймат яратишини прогноз қилди.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш

учун барча зарур асослар ва имкониятлар мавжуд.

2030 йилга қадар фақат АТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада етишиб чиқадиغان миллионлаб ёшлар учун юқори даромадли иш ўринларини яратиш бўйича катта марралар олингани таъкидланди.

Юртимизда сунъий интеллект экотизимини барча соҳаларда жорий этиш мақсадида келгуси йил АҚШнинг "Nvidia" компанияси билан катта супер компьютер кластери ишга туширилади.

— Асосий мақсадимиз — Ўзбекистонни нафақат замонавий технологиялар истеъмолчиси, балки уларни яратадиган, экспорт қиладиган ва глобал микёсда рақобатлаша оладиган давлатга айлантиришдир. Миллий маҳсулотларимизни халқаро бозорга йўналтириш борасида АҚШнинг Кремний водийсида Миллий трансфер офисини очиб, ёшларимиз ва стартап асосчиларини йирик компаниялар, инвестор ва акселераторлар билан тўғридан-тўғри боғлаш имкониятини яратамиз, — деди Президент.

Эндиликда ёшларимиз мактабдан ташқари ҳам сунъий интеллект билан ишлаш қўникмаларига ўргатилади. Бунинг учун юртимизнинг барча ҳудудларидаги "Келажак марказлари"да СИ мактаб дастури жорий қилинади.

Мамлакатимизда мактаблар ўртасида ҳар йили сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап гоёлари бўйича танлов ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

Республикадаги 14 та ҳудуднинг ҳар би-

рида ғолибликни қўлга киритган мактабда энг замонавий сунъий интеллект лабораторияси ташкил этилади ва гоёларни тижоратлаштириш бўйича илгор компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилади.

Соҳадаги истиқболли ёшларни аниқлаш ва уларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида "Сунъий интеллект бўйича Президент танлови" ташкил этилади.

Чекка туманлардан тортиб республика даражасигача ҳар йили 100 нафар энг иқтидорли ёш саралаб олинади. Улар АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Европанинг илгор технология компанияларига стажировкага юборилади. Кейинги босқичда олийгоҳлар учун ҳам ушбу амалиёт жорий этилади.

Юқорида айтилган мақсадлар учун 100 миллион доллар ажратилади ҳамда мазкур маблағ катта режалар ижросини таъминлашга йўналтирилади.

— Бугун биз Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда "Бир миллион дастури" лойиҳасининг узвий давоми сифатида "5 миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳасига старт берамиз. Бу оддий дастур эмас, балки ёшларимиз учун янги имкониятлар оламидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳа доирасида 2030 йилга қадар 4 миллион 750 минг мактаб ўқувчиси ва талабалар, 150 минг нафар ўқитувчи ҳамда 100 минг нафар давлат хизматчисини ўқитиш кўзда тутилган.

Бунда сунъий интеллект мактаб, касб таълими ва олий таълим тизимлари ҳам интеграция қилинади.

— Ишонаманки, "5 миллион сунъий интеллект етакчилари" дастури келгусида иқтисодиёт драйверига айланиб, мамлакатимизнинг жадал тараққиёти учун шиддат бағишлайди, — деди Президентимиз.

Сафлари тобора кенгайиб бораётган иқтидорли ва ўтюррак ёшлар Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди, чинакам гурури ва ифтихоридир. Қуни кеча юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларимизнинг ёрқин вакили бўлган Жавоҳир Синдоров Ҳиндистонда шахмат бўйича Жаҳон кубогига ғалаба қозониб, ўзбек ёшларининг нима-ларга қодирлигини бутун дунёга яна бир бор кўрсатди.

Қуни кеча давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан Жавоҳир Синдоров "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Форумда Президентимиз Жавоҳир Синдоровга ушбу юксак унвонни тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллектни кенг тарғиб қилиш, юртимизга илгор мутахассис ва экспертларни жалб этиш, иқтидорли ёшларни соҳага янада қизиқтириш, уларни рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойини "Ёшлар учун сунъий интеллект ойлиги" деб эълон қилиш, унинг доирасида "Ипак йўли сунъий интеллект форуми"ни ўтказиб боришни тақлиф қилди.

Маросим якунида Ўзбекистонда "5 миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳасига старт берилди.

ҲАР БИР ҚАРОР, ҲАР БИР ХИЗМАТ, ҲАР БИР ЖАРАЁН ФАҚАТ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЗАРУР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аҳоли ва бизнес вакиллари учун дастурга қўшимчалар ва янги ташаббусларни тўғридан-тўғри қиритиш, шу билан бирга, улар томонидан вазирлик ва идораларнинг дастур доирасидаги фаолиятини баҳолаш имконияти яратилади. Бунинг учун 3 миллион доллар миқдорига мукофот жамғармаси ташкил этилади.

Ушбу жамғарма ҳисобидан бюрократияни бартараф этиш бўйича янги ташаббус билан чиққан аҳоли, бизнес вакиллари ҳамда давлат хизматчилари алоҳида пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Шунингдек, қўшимча номинациялар бўйича ҳам рағбатлантириш механизмлари жорий этилади.

— Бюрократияни бартараф этиш — давлатнинг халққа хизмат қилишга қаратилган устувор вазифасидир. Биз биргаликда шундай тизимни яратишимиз керакки, фуқаро давлат идорасига эмас, давлатнинг ўзи ҳар бир фуқаронинг олдига бориши ва муаммосини ҳал қилиши лозим. Бу — Янги Ўзбекистон давлат бошқарувининг замонавий ва инсонпарвар қиёфаси бўлиши зарур, — деди Президентимиз.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Бюрократияни бартараф этиш дастурини ишга туширди.

Очилиш маросимидан сўнг Президентимиз форум мавзуси, илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди. Юртимизда "Инсон қадри учун" гоёси барча ислохотларнинг асосини ташкил этаётгани, бюрократияни бартараф этиш замирида ҳар бир қарор, ҳар бир хизмат, ҳар бир жараён фақат инсон манфаатига хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Ў.А.

КАНАДА ПАРЛАМЕНТИДА «ЎЗБЕКИСТОН КУНИ»

2025 йил 25 — 27 ноябрь кунлари Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Канадага расмий ташрифи амалга оширилди.

Учрашув

Ташриф мобайнида Ўзбекистон делегациясининг самарали учрашувлари бўлиб ўтди. Жумладан, делегация Канада Сенати Спикери Раймонда Ганье билан учрашиб, икки мамлакат парламентлари ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш, ҳамкорликни тизимли равишда кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни илгари суриш масалаларини муҳокама қилди.

Шунингдек, сенаторлар — С. Атауллахжан ва М. Равалия билан бўлиб ўтган учрашувда парламент дипломатияси, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, миграция ва хавфсизлик масалала-

ри бўйича тажриба алмашиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, делегация Канада парламенти Жамоалар палатаси Спикери Ф. Скарпаледжа билан ҳам учрашиб, Ўзбекистон ҳамда Канада ўртасида парламентларнинг қуйи палаталари даражасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш ва қўшма экспертлар мулоқотини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

Канада парламентида уюштирилган "Ўзбекистон куни" тадбири иштирокчиларнинг катта қизқиши билан ўтди. Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган

иқтисодий ислохотлар, инвестициявий муҳитдаги ўзгаришлар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсати, "яшил" энергетика ҳамда инновациялар йўналишидаги янги ташаббуслар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Канада парламенти аъзолари Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда эришган ютуқларини юқори баҳолаб, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди.

27 ноябрь куни делегация Торонто шаҳридаги қатор ташкилотларда учрашувлар ўтказди. Онтарио университетлар кенгаши президенти С. Орсини билан бўлиб ўтган музокаралар давомида Ўзбекистон ва Канада олий таълим муассасалари томонидан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини кенгайтириш, илмий тадқиқот лойиҳала-

рини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

"Vector Institute" раҳбарияти билан учрашувда сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик, IT таълими ва инновацион тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик қилиш, ўзбекистонлик ёшларни замонавий технологиялар соҳасига жалб этиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, делегация Канадада истиқомат қиладиган ватандошлар, ёшлар ва талабалар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, халқаро ҳамкорлик сиёсати, ватандошлар билан ишлаш жараёни ҳақида батафсил маълумот берди ҳамда улар томонидан билдирилган тақлифларни муҳокама қилди.

Олий Мажлис Сенати Аxbорот хизмати.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг Қораўзак туманида ўтказилган сайёр мажлисида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Сайёр йиғилиш

Таъкидланганидек, мамлакатимизда турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, бандликни таъминлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган фуқаролар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Қўмита аъзолари ўз чиқишларида ўтган қисқа даврда амалга оширилган ислохотлар, айниқса, тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор ҳаётимизнинг барча жаҳасида янгиланиш ва туб ўзгаришларга замин яратиб, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарганини таъкидлаб ўттишди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 3,7 минг аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш режаси 129 фоизга бажарилган. Жумладан, тижорат банклари томонидан умумий ҳисобда 2,6 минг аҳоли, яъни қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 1,2 минг ҳамда инвестиция лойиҳалари ҳисобига 800 дан зиёд кишилар иш билан таъминланган.

"Маҳалла" лойиҳаси доирасида 21,5 млрд. сўм, "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" дастурига кўра 11,9 млрд. сўм, "Оилавий

тадбиркорлик" дастури бўйича эса 9,7 млрд. сўм ҳамда "Бизнесга биринчи қадам" дастури доирасида 6,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган.

"Камбағал оилалар реестри"га киритилган 1 мингта оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа тузилган. Ушбу режалар доирасида 4,2 минг аҳоли ёки 907 та камбағал оилага даромадни оширишга қаратилган 1,5 мингта хизмат кўрсатилган.

Шунингдек, сенаторлар мажлисда олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, тумандан ижтимоий соҳа йўналишидаги олий таълим муассасаларини таомомлаган 287 нафар битирувчининг бандлиги таъминланган.

Муҳокама жараёнида сенатор ва депутатлар томонидан туманда аҳолини иш билан банд қилишда ўз ечимини қўтиб турган масалалар, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мажлис сўнгига туманда бандликни таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш орқали турмуш даражасини яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги

УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Жорий йилда мамлакатимизда буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 150 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, педагоглар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида "Маҳмудхўжа Бехбудий: ҳақ олинур, берилмайдир" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг миллий гурурини юксалтириш, маданияти, маънавиятини бойитиш, айниқса, ёшларнинг таълим ва илм-фанга рағбатини янада оширишнинг самарали воситаси сифа-

тида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 27 декабрдаги "Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори маърифатпарвар бобомиз маънавий мероси-

ни ўрганиш ва тарғиб этишда янги босқични бошлаб берди.

Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси томонидан улуғ аллома асарларини чоп қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намояндаси ҳаёт йўли, фаолиятига бағишланган адабий суҳбатлар, анжуманлар ўтказилди. Баъдий кўргазмалар ташкил этилди. Театр санъати бўйича драматургларнинг

энг яхши асарларини рағбатлантириш мақсадида Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот таъсис қилинди. Буларнинг барчаси Бехбудий меросини кенгроқ ўрганиш имконини беради.

Адабий тадбирда ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби Султон Раев ва бир қатор туркий давлатлар адабиётшуносларининг Маҳмудхўжа Бехбудий ижодий меросига доир фикрлари видеоалоқа орқали иштирокчилар эътиборига хавола этилди.

Жадидчилик ҳаракати етакчисининг 150 йиллик таваллуди санасига бағишланган адабий тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ёшлар

МУЛОҚОТДАН МУДДАО

Йиғилиш деса, айримларнинг кўз олдига бир неча кишининг қоғоздан кўзини уза олмасдан маъруза ўқиётгани, қолганларнинг нотикни эшитса-эшитмас, жимгина тинглаётгани келади. Очиги, ана шундай мажлисларда қатнашганлар бирор янгилик ололмагани, вақти бесамар кетганига ачинади. Бундай тадбирларда ҳеч ким савол бермайди, даврани тезроқ тарк этмоққа ошмакда.

"Фуқаролик жамияти ҳафталиги" форуми доирасида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган сенаторлар ва ёшлар учрашувида мутлақо ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Жумладан, ҳеч ким фикрларни қоғоздан қидирмади. Биров шун саволни берсам, кимнингдир кўнгли хира бўлмасми-кан деган андишга бормадим. Зеро, Олий Мажлис Сенати аъзолари — Ҳусан Эрматов, Нусрат Пардаев ҳамда Жамила Бобоназарованинг очик мулоқотга чорловчи самимий сўзлари барчани фаол бўлишга, мунозарага киришмоққа ундади.

Бу жараёнда кўп ва ҳўп маълумотлар келтирилдики, тўғриси, иштирокчилар анчадан буён ўйлантираётган саволларга жавоб топтишди. Бинобарин, Президентимизнинг Марказий Осиё ва туркий давлатлар бирлигини таъминлашга қўшаётган оқилона ҳиссаси, АҚШ, Россия ва Хитой каби етакчи мамлакатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчи ва иқтисодчиларнинг юртимизда кечаётган ўзгаришларга берган баҳосига оид фикр-мулоҳазалар йиғилганлар кўнглида гурур ўйотди.



Сенаторлар улуг аждодларимиз илм-фан соҳасида эришган натижаларни тилга олар экан, улғаяётган авлод вакилларининг чاقноқ нигоҳида уйғонган иштиёқни сезиш қийин бўлмади. Худди шундай, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти томонидан амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси грантлари асосида ёшлар ҳаётга татбиқ этаётган лойиҳалар, жамиятда коррупцияга қарши курашишга оид масалалар кўтарилдики, иштирокчиларнинг билим ва тасаввурлари бойиди.

Шунингдек, оила билан боғлиқ миллий қадриятлар бардавоми-гини таъминлаш, таълим соҳаси-

Алижон АБДУСАТТОРОВ.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — МИЛЛАТ ЭРТАСИГА ҒАМХЎРЛИК

Парламент юқори палатаси аъзолари мунтазам равишда ёшлар билан учрашиб, уларнинг қизиқишлари, мақсадлари, Олий Мажлис Сенати фаолиятидаги янгиликлар юзасидан мулоқотлар ўтказиб келмоқда.

Худди шундай мулоқотлардан бири Қашқадарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Шўхрат Асланов Қарши давлат техника университети талабалари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда сенатор мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлар жараёнида ёшларнинг ўрни, билими, фуқаролик масъулияти ва малакасини оширишга қаратилган давлат сиёсати ҳақида батафсил маълумот берди.

Шу билан бирга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билимли ва малакали кадр сифатида шаклланиши учун кенг имкониятларга эътибор қаратди.

Мулоқот давомида талабаларнинг назарий ва амалий билимларини уйғунлаштириш, мутахассис

кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, "Шўртан газ кимё маҳмуаси" МЧЖ билан университет ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, Илгор муҳандислик мактаби фаолияти, талабаларнинг амалий қўникмаларини шакллантириш, хорижий тилларни ўрганиш ва чет элда меҳнат фаолиятини давом эттириш учун шароитлар яратилганига ҳам ургу берилди.

Тадбир якунида "Шўртан газ кимё маҳмуаси" МЧЖнинг стипендия дастури қилибги сертификатлар ва эсдалик совғалар топширилди.

«Халқ сўзи».

Янги Ўзбекистон саноати қураётининг ёрқин ифодаси

Сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар барча соҳа қатори саноатнинг энергетика тармоғини ҳам мутлақо янги bosқичга олиб чиқди. Шиддатли ўзгаришлар натижаси ўларoқ соҳада йирик лoйиҳалар амалга оширилиб, иқтисодий ўсиш ва энергия хавфсизлиги мустаҳкамланди.

Мушоҳада

Бугунги кунда табиий газни қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш орқали мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига хизмат қилаётган корхоналардан бири “Uzbekistan GTL” синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш госяи илк бор илгари сурилди. Бу ташаббус нафақат миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ва энергия хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди, балки инновацион технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимизнинг глобал энергетика бозоридаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2009 йилда мамлакатимизда “GTL” (Gas-to-Liquids) технологияси асосида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш госяи илк бор илгари сурилди. Бу ташаббус нафақат миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ва энергия хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди, балки инновацион технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимизнинг глобал энергетика бозоридаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2017 йилда Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида газ-кимё кластерини ташкил этиш ташаббуси эса “GTL” лoйиҳасини алоҳида заводдан мамлакат саноат экотизимининг муҳим бўғинига айлантирди.

Шу тариқа қурилиш ва монтаж ишлари тез ҳамда сифатли амалга оширилиб, 2021 йилда завод тантанали равишда ишга туширилди. Бу нафақат мамлакат саноатининг ютуғи, балки Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг қудратини намоён этган воқеа сифатида тарихга муҳрланди. Эътиборга молик жиҳати, 2022 йилдан бошлаб заводда синтетик нефть, юқори сифатли дизель ёнилғиси, авиакеросин, нафта ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот ҳажми йил сайин ошиб, 2022 йилда 230 минг тоннани



Мирзиёев томонидан “Uzbekistan GTL” лoйиҳасини қайта тиклаш стратегик вазифа сифатида белгиланди.

2017 йилда Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида газ-кимё кластерини ташкил этиш ташаббуси эса “GTL” лoйиҳасини алоҳида заводдан мамлакат саноат экотизимининг муҳим бўғинига айлантирди.

Шу тариқа қурилиш ва монтаж ишлари тез ҳамда сифатли амалга оширилиб, 2021 йилда завод тантанали равишда ишга туширилди. Бу нафақат мамлакат саноатининг ютуғи, балки Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг қудратини намоён этган воқеа сифатида тарихга муҳрланди. Эътиборга молик жиҳати, 2022 йилдан бошлаб заводда синтетик нефть, юқори сифатли дизель ёнилғиси, авиакеросин, нафта ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот ҳажми йил сайин ошиб, 2022 йилда 230 минг тоннани

ташкил этган бўлса, 2024 йилда 723 минг тоннага етди. Жорий йил якунига қадар ишлаб чиқариш 1 миллион 150 минг тоннага етказилиши режалаштирилгани корхонанинг иқтисодий ва стратегик имкониятлари ҳали

тўлиқ очилмаганини ҳам кўрсатиб турибди.

“GTL” маҳсулотлари анъанавийларга нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилиши, бунинг ҳисобига йилга 13 минг 500 тонна зарарли газлар ҳавога тарқалишининг олди олиниши ва жаҳондаги энг юқори экологик талаблар ҳамда стандартларга тўлиқ жавоб бериши билан ажралиб туради.

Айтиш мумкинки, завод нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланмоқда, балки ички бозорни барқарорлаштириш ва мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Бундай дейишмизнинг боиси ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 390 минг тоннадан ортиғи ички талабни қондиришга йўналтирилди ва бу дизель ёнилғиси бозоринда нархлар барқарорлигини таъминлади. Наҳажада унинг нархи икки баробар арзонлашиб, қишлоқ хўжалиги, лoгистика, саноат ва

хизмат кўрсатиш соҳаларида харажатлар камайишига ва транспорт инфратузилмаси фаоллигини ошишига олиб келди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли синтетик ёнилғи маҳсулотлари орқали корхона мамлакатнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширмоқда. Ўтган 2024 йилда 330 минг тоннадан ортиқ синтетик маҳсулот хорижга, хусусан, АҚШ, Европа мамлакатлари ва бошқа юқори талабга эга бозорларга экспорт қилинди.

Завод маҳсулотлари харидор-гирлигининг яна бир сабаби шундаки, Шимолий Европада Арктика экспедициялари, кўтб портлари ўртасида лoгистика ва нефть-газ платформаларига хизмат кўрсатиш учун музёраб кемаларга бўлган талаб катта.

Йил давомида совуқ клим шaroитида узлуксиз ишлаши учун бундай кемаларга юқори сифатли, паст хароратда қотиб қолмайдиган дизель ёнилғиси талаб этилади. Шу боис бугунги кунда айнан “Uzbekistan GTL” заводида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли дизель ёнилғиси шимолий Европа мамлакатлари томонидан сотиб олиниб, ундан музёраб кемаларда кенг фойдаланилмоқда.

Бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Бу ерда малакали кадрлар масаласи ҳам ўзига хос тарзда ечимини топган. Заводнинг ишга туширилиши билан унинг тўлиқ қувватда, узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун мутахассислар мажбурий ҳал қилувчи омилга айланган. Шундан келиб чиқиб, “GTL” фақат техник жараёнларни ривожлантириш билан чекланмай, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва ёш мутахассисларнинг салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда заводда ишлаётган мутахассисларнинг катта қисми айнан шу жой-

нинг ўзида тайёрлангани ўзига хос ютуқ ҳисобланади.

Илк bosқичларда технологик жараёнларни юритишда хорижлик мутахассислар қатнашган бўлса, ҳозирги кунда фаолиятнинг асосий қисми маҳаллий кадрлар томонидан бошқарилмоқда.

Шу билан бирга, ёш мутахассислар Қатар, Жанубий Корея ва Сингапур каби мамлакатлардаги етакчи корхоналарда малака ошириб, замонавий билим ҳамда кўникмалар олиб қайтмоқда. За-воддаги барча жараён халқаро аудит ташкилотлари — “Ernst & Young” ва “Nexant” томонидан мунтазам баҳоланиб, унинг самарадорлиги, шаффофлиги ҳамда барқарор ривожланиши кафолатланмоқда.

Умуман олганда, завод юқори қувватда саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший истеъмол учун зарур барча ёнилғи турларини ишлаб чиқариш имконига эга. Қолаверса, бутун дунёда “яшил” иқтисодиёт ривожланаётган бир пайтда “Uzbekistan GTL” маҳсулотлари жаҳондаги энг юқори экологик талаб ва стандартга тўлиқ жавоб беради.

Яна бир гап. Маълумки, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда нефть маҳсулотлари “Евро 5” стандартига жавоб бериши талаб этилади. Бу заводда ишлаб чиқариладиган дизель ёнилғиси ушбу мезонларга мос бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётдаги бошқа кўпгина соҳалар ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўйиши, шубҳасиз.

“Uzbekistan GTL” бугунги кунда миллий иқтисодиётни диверсификациялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўларoқ, мамлакатимиз энергетика тарихида янги даврни бошлаб берган корхонадир. Зотан, Янги Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий салоҳияти айнан мана шундай мажмуаларда яққол намоён бўлмоқда.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофас ва хавфсизлик
масалалари кўмитаси раиси.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР ВА УМУММИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР МАЖМУИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги bosқичида, жамият ҳаётида кечаятган улкан янгиланишлар жараёнида янги тахрирдаги Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугун ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида, иш фаолиятида, ижтимоий муносабатларда Асосий Қонунимиз кафолатлаб берган ҳуқуқ ва эркинликларнинг самарасини янада чуқур ҳис этаётир.

Ўзбекистон Конституциясининг “Инсон қадри учун” деган тамойилга танган ҳолда қабул қилингани унинг юксак демократик руҳини, фуқаролар манфаатини биринчи ўринга қўйишга қаратилганини яққол намоён этади.

Бинобарин, Асосий Қонунимиз инсон қадрини энг олий қиймат сифатида белгилайди, фуқароларга эркин ва тинч ҳаёт кеңириш, фикрлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шу билан бирга, унда ҳар бир шахс қонун олдида тенг экани, ҳеч ким камситилиши мумкин эмаслиги қатъий таъкидланади. Адолатнинг устуворлиги — ушбу гоғянинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосидир. Конституция қонунларнинг барчага баробар таътибқ этилишини, ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда жамиятда ишонч ва барқарорлиқни мустаҳкамлайди.

Инсон қадрини юксалтириш — бу, аввало, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароитини яратиш, унинг шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш, орзу-интилишларини амалга оширишга кенг имкониятлар бериш демак. Бугунги кунда таълим соҳасида сифат ва қамровни ошириш, тиббиётда хизматлар имкониятини кенгайтириш, меҳнат соҳасида шаффоф ва адолатли муносабатларни шакллантириш, ногиронлиги бўлган шахслар, ёшлар ва аёлларнинг қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси Конституцияда белгиланган инсон қадрига оид нормаларнинг амалий ифодасидир.

Бу тамойил мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бирига айланади.

Айниқса, ахборот майдонининг кенгайиши, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши, жамиятда фуқаролик фаоллигининг ошиши буларнинг барчаси эркинлик тамойилининг амалиётдаги самарали натижасидир. Эркин фикр бор жойда ривожланиш тезлашади, янгича гоғялар шаклланади ва жамиятда очиклик кучаяди. Давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг фаолалиши ҳам эркинлик кафолати билан бевосита боғлиқ.

Конституцияда белгиланган қўйилган тенглик тамойили мамлакатда яшовчи барча фуқаронинг ҳуқуқлари бир хил даражада ҳимоя қилинишини белгилайди. Ирқи, миллати,



тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ёки макъидан қатъи назар, ҳар бир инсон қонун олдида тенг ҳисобланади. Бу норма нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам жамиятда барқарорлиқни таъминлайдиган муҳим омилдир.

Тенг имкониятлар жамиятда дискриминацияни бартараф этиш, фуқароларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Давлат ва жамият ҳаётида аёллар фаоллигининг ошиши, ёшларнинг имкониятлари кенгайиши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг чора-тадбирлар тенглик тамойилининг ҳаётиимиздаги амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Адолат тамойили ҳар бир давлатнинг устувор мақсадларидан бири бўлиб, Конституцияда у аниқ ҳуқуқий механизмлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, судларнинг мустақиллиги ва одиллиги, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Конституция — бу ҳар бир фуқаро учун тенг ҳуқуқлар мажмуи, умумимиллий мақсадлар ва демократик тамойилларни ифода этувчи улкан сиёсий ҳужжат. Инсон қадрини улуғлаш, эркинликларни ҳимоя қилиш, тенгликни таъминлаш ва адолатни қарор топтириш — бу асосий ҳужжатнинг пойдевори бўлиб, улар мамлакатимиз истиқболини белгилла берувчи стратегик тамойиллардир.

Бахтиёр АРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Меҳнат, соғлиқни
сақлаш ва ижтимоий
масалалари кўмитаси раиси
ўринбосари.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АНЪАНАЛАРИГА МОС ТАШРИФ

Ўзбекистон парламенти делегацияси халқаро ҳамкорлик доирасида Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташриф доирасида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди ҳамда олий қонун чиқарувчи орган фаолияти билан яқиндан танишиб чиқилди.

Парламент дипломатияси

Хитой Конституциясига мувофиқ, мамлакатнинг олий давлат ҳокимияти органи ҳисобланган ушбу кенгаш таркибига худудлардан, автоном туманлардан, марказга бўйсунувчи шахарлардан ва қуrolли кучлардан сайланган депутатлар кирлади, улар 5 йил муддатга сайланади. Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий кўмитаси ҳам мавжуд бўлиб, у кенгаш олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи давомида ишчи учрашувлар ҳам ташкил этилиб, унда Доимий кўмита аъзолари, Таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш кўмитаси раиси ва унинг жамоаси иштирок этди.

Дастурга мувофиқ, Ўзбекистон парламенти делегацияси Гуандун музофоти маркази — Гуанчжоу шаҳрига ташриф буюриб, Халқ вакиллари провинциал йиғилишининг Доимий кўмитасида бўлди. Расмий учрашувда музофот тараққиётини кўмитанинг тутган ўрни ҳамда истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Гуандун иқтисодиёт ҳажми, очиклик даражаси, ташқи савдо айланмаси ва аҳоли

сони бўйича Хитойнинг етакчи ҳудуди ҳисобланади. 2024 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 14 триллион юандан (2 миллиард доллар) ортиб, 36 йил кетма-кет мамлакатда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Музофотнинг доимий аҳолиси 120 миллион кишидан ортиб бўлиб, бу ерда ишлайдиган, ўқийдиган ва яшайдиганлар мамлакат аҳолисининг таъминан ўндан бир қисмини ташкил қилади. Бугунги кунда Гуандунда кенг қамровли ислохотлар қурулашмоқда ва замонавий саноат тизимини яратиш жадаллаштирилмоқда.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой муносабатларига оид масалаларга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборимизни тортди. Икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари янги даврга қадам қўймоқда. Алоқаларимиз изчил ривожланиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимиз ўзининг қулай географик жойлашуви ҳамда бой энергетика ва минерал ресурслари, шунингдек, улкан бозор салоҳияти билан икки томонлама иқтисодий

ва савдо ҳамкорлиги учун катта имкониятларга эга бўлган Гуандуннинг муҳим сармоявий ва савдо шериги ҳисобланади. 2024 йилда Гуандун ва Ўзбекистон ўртасидаги умумий савдо ҳажми 11 миллиард юандан ошиб, йиллик ҳисобда 33 фоизга ўсди, бу эса Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги умумий икки томонлама савдонинг 12 фоизини ташкил этди.

Хитой парламенти аъзолари стратегик шериклиқни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, савдо, инвестициялар, янги энергетика, рақамли иқтисодиёт, замонавий қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмавий қурилиш каби соҳаларда ҳамкорлик майдонини кенгайтиришга тайёр эканликларини билдирди. Парламент аъзоларида алоҳида қизиқиш уйғотаётган таълим, маданият ва туризм соҳаларида, Гуандун ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик учун мустаҳкам асос мавжуд.

Гуандун океан университети ва Тошкент давлат аграр университети ўртасида шўрланган ерларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича қўшма лаборатория очилган. Гуанчжоу шаҳар касб-хунар коллежи Ўзбекистонда “Лу Бан устахонаси”ни очиб, ишлаб чиқариш ва таълим интеграцияси орқали маҳаллий техник кадрларни тайёрламоқда. Шу йил Гуандун транспорт касб-хунар коллежи Тошкент давлат транспорт университети билан “Ус-талар институтини биргаликда ташкил

этиш тўғрисида” шартнома имзолади. Сентябрь ойида Гуанчжоу кутубхонаси ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биродарлашган кутубхоналарга айланди.

Олий таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Цинхуа университетига ташриф доирасида талаба учун интизом ва таълим сифати, қонунчилик асосида жорий этилган қатъий талаблар эътиборимиз марказида бўлди. Касбий таълим борасида эса Хитойда визуар йўналиш дастурларига қонунчилик асосида сунъий интеллект бўйича фан ва курслар киритилгани, кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий тадқиқотлар, гуманитар алмашинувлар, бадий кўргазмалар ва туризмни ривожлантиришга бўлган ёндашувлар билан танишиб чиқилди.

Бундан ташқари, Гуандун Хитойнинг энг йирик сайёҳлик маркази ҳисобланади. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида визуар ўзаро бекор қилиш тўғрисидаги битим расман кучга кириши муносабати билан Гуандундан Ўзбекистонга диққатга сазалов жойлар билан танишиш мақсадида ташриф буюрувчи сайёҳлар сонин сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Бу эса икки минтақа ўртасидаги гуманитар алмашинувни кучайтириши, шубҳасиз.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар
масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш, долзарб масалалар юзасидан фикрлашиш мақсадида худудларда бўлиб, аҳоли билан қатор учрашувлар ўтказмоқда.

Депутатлар — худудларда

Келахак учун мустаҳкам замин

Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматованинг Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувлари ҳар галгидек самимий руҳда ўтмоқда.

Депутатнинг илк манзили — Китоб туманининг узoқ тоғли ҳудудида жойлашган Паландара маҳалласи бўлди. У бу ерда “маҳалла еттилиги”, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг тақлифларини, ўйлантириб келаётган масалаларини аштитди.

Ушбу маҳаллада жойлашган 22-мактабга таълим муассасасида болажонлар учун барча шарт-шaroит, қўлайликлар яратилган. Бу ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирмоқда.

Халқ вакили мазкур муассасада бўлиб, унинг куз-қиш мавсумига тайёрлик ҳолатини ўрганди. Болалар учун боғчалар иссиқ ва хавфсиз бўлиши лoзимлигини қайд этди. Аниқланган айрим масалалар назоратга олиниб, уларни ҳал қилиш чоралари белгиллаб олинди.

“Китоб меd” тиббиёт марказида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча қўлайлик бор. Энг муҳими, бино томида ўрнатилган 60 кВт қувватга эга қуёш панеллари орқали марказ ўзини ўзи электр энергияси билан таъминлаяпти, ортиқча 30 кВт қувват эса маҳаллий аҳоли ва корхоналарга сотилмоқда.

Депутат замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу муассаса фаолияти

билан яқиндан танишиб, шифокорлар ва аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Уларга сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида атрофлича маълумотлар бериб ўтди.

Тумандаги “Иқтидор IT академияси” ёшлар учун рақамли келахак ашиғи ҳисобланади. 2023 йил 1 августдан IT-парк резиденти сифатида ишлаётган бу нодавлат таълим муассасасида 900 нафардан ортиқ йигит-қизлар хорижий тиллар ва IT йўналишларида билим олган. Бугунги кунда 300 нафарга яқин ўқувчилар қатор йўналишларда ўқшини давом эттирмоқда.

Депутат ёшлар билан очик мулоқотга киришиб, уларнинг орзу-мақсадлари, тақлиф ва фикрларини тинглади. Ахборот технологиялари ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, янги қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берди.

Бундай лoйиҳалар ҳар бир туманда аҳоли фаровонлиги, ёшлар бандлиги ва юртимиз келажағи учун мустаҳкам замин яратиши ургуланди.

Жамоатчилик назорати муҳим

Қонунчилик палатаси депутати Гулнораҳон Абдувоҳидова Андижон шаҳридаги Савдо-саноат палатасида бўлиб, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда хунармандлар билан учрашув ўтказди.

Самимий руҳда ўтган мулоқот давомида миллий хунармандчилик анъаналарини ривожлантираётган уста-тадбиркорлар фаолияти яқиндан ўрганилди. Хусусан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларга яратилган меҳнат шaroитлари ва соҳадаги мавжуд имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ вакили тадбиркор ва хунармандларни қийнаётган тизимли муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан очик суҳбат ўтказди. Учрашувда кўтарилган масалалар ва билдирилган муурожаатлар ижросини таъминлаш мақсадида қатъий жамоатчилик назорати ўрнатиладиган бўлди.

Депутат мулоқотлар чоғида янги тахрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам тушунтириш бериб ўтди. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий Қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойиллар ҳаётиимизга изчил таътибқ этилаётгани таъкидланди. Айниқса, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича бугунги кунда зарур чора-тадбирлар қўрилаётгани айтилди.

Муаммо ва ечим

Пастдарғом туманида ўрганишлар олиб бораётган Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Тўхташевнинг Гулистон, Қoқсой ва Янгиавлод маҳаллалари аҳолиси билан бўлган учрашувларида, асосан, ичимлик суви масаласи қўтарилиб, мавжуд ҳолат атрофлича тақтиб қилинди. Бу борада айрим муаммолар борлигига эътибор қаратилиб, уларни бартараф

этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Депутат, шунингдек, “Гулистон” МФЙда жойлашган 55-мактабга таълим ташкилоти ҳамда “Янгиавлод” МФЙдаги 96-умумтаълим мактабида иситиш тизимини ҳолатини ўрганди. Ва айрим муаммолар борлиги аниқланди. Бу бўйича ҳам тегишли тақлифлар айтилди.

Халқ вакили тумандаги 23-ойловий поликлиника ҳамда унинг “Тўрттом” МФЙдаги филиалида ҳамда 60 ва 95-умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар ҳамда таълим сифатини ошириш борасидаги ишлар муҳокамалардан ўтказилди. Кўтарилган муаммолар ечимини бўйича тегишли ташкилотлар билан боғланилди ҳамда уларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган бошқа масалалар ечимини юзасидан эса тегишли тақлифлар ишлаб чиқилиши ва тез орада ҳал этилиши борасида сайловчиларга маълум қилинди.

«Халқ сўзи».

Жинойятчиликка қарши глобал кураш:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Жаҳон криминалогиясининг илгор тажрибалари” халқаро форуми нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ва дунё миқёсида криминалогия соҳасидаги илгор тажрибаларни ўртоқлашиш ҳамда бу йўналишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим майдон вазифасини ўтади.

Форум

Ўзбекистон Республикаси Криминалогия тадқиқот институти томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Венгрия, Қатар, Хиндистон, Хитой, Беларусь, Россия, Ўзбекистон, Туркия, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг полиция идоралари ҳамда криминалогия тадқиқоти тармоқлари, шунингдек, БМТнинг Жиноят ва наркотиклар бўйича Марказий Осиё минтақавий бошқармаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Мазкур форумда жиноятчиликнинг глобал ҳамда минтақавий тенденциялари таҳлил қилиниб, илгор халқаро тажрибаларни Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида татбиқ этиш имкониятлари, шунингдек, криминалогия соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳамда ҳамкорлик механизmlарини мустаҳкамлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Миллий ва халқаро мутахассислар криминалогик тадқиқотлар олиб боришдаги янги ме-

тодлар, таҳлил усуллари ҳамда ҳуқуқ муҳофазаси соҳасидаги замонавий стандартлар билан ҳам ўртоқлашди.

Икки кун давом этган анжуман доирасида хорижий экспертлар мамлакатимизда ички ишлар ва “маҳалла еттичилиги” тизимида олиб борилаётган ислохотлар, кибержинойятларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, шаҳарнинг илмий ҳамда хавфсиз туризм соҳасидаги ривожланишига бағишланган лойиҳалар билан яқиндан танишди. Қолаверса, электрон хавфсизлиқни таъминлаш, интернет орқали содир қилинаётган жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича тажриба алмашилди. Бу иштирокчиларга ҳам маҳаллий, ҳам глобал даражада криминалогия соҳасидаги долзарб муаммолар ҳамда уларга ечим топиш йўллари ҳақида кенгрок тасаввур бериш имконини яратди.

Экспертлар фикрича, форум дунё бўйлаб жиноятчиликнинг ўсиб бораётганини ҳисобга олганда



ҳозирги кунда жуда аҳамиятли ва фойдали бўлди. Ўзбекистон жиноятчиликнинг олдини олиш борасида дадил қадам ташлаётгани мамлакатнинг илмий тадқиқот фаолияти мисолида ҳам яққол кўринди. Бу ютуқлар халқаро суд-тергов идоралари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар замонавий жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизmlарини ўзида муҳассас этади.

Айтилганидек, мамлакатимизда замонавий таҳлил ҳамда мониторинг воситалари орқали жиноятчиликка қарши курашда самарали чора-тадбирлар кўрилиб, улар халқаро ҳамкорликда қўлланилаётган стандартлар билан уйғун. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси минтақавий ва глобал миқёсда ҳам намуна бўлиб хизмат қилади. Чунки у жиноятчиликка қарши курашишда илгор технологиялар ҳамда инновацион ёндашувлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Анжуманда иштирокчилар жино-

ятчиликни таҳлил қилиш ва олдини олиш борасида илмий тадқиқот дастурларини ҳамкорликда ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Мутахассислар турли мамлакатларда криминалогия соҳасидаги илгор тажрибалар ҳамда замонавий методологиялар билан ўртоқлашиб, уларни Ўзбекистон ва бошқа давлатларда жиноятчилик даражасини камайтиришга қаратилган стратегия ҳамда дастурларда қўллаш имкониятлари ҳақида сўз юритди.

Айтиш жоизки, форум иштирокчилари томонидан билдирилган таклифлар халқаро ҳамкорлик доирасида криминалогия соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутиб, сиёсатни шакллантириш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тизимларида самарали қарорлар қабул қилишда асос бўлади. Бу нафақат миллий, балки минтақавий ҳамда глобал даражада жиноятчиликка қарши курашишда муҳим омил ва зифасини ўтади.

Форум якунида илмий ва амалий ҳамкорлик тўғрисидаги қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ушбу келишувлар криминалогия соҳасида олиб бориладиган илмий изланишларни янада мувофиқлаштириш, янги тадқиқот йўналишларини шакллантириш ва илмий натижалар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Криминалогия соҳасида илмий тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг ижросига қаратилган ҳамкорлик меморандумлари мамлакатлар ўртасида криминалогия соҳасидаги илгор тажрибаларни ўртоқлашиш, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда миллий ва минтақавий дастурларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, имзоланган ҳужжатлар жиноятчиликни камайтиришга қаратилган қўшма дастурларни амалга ошириш, замонавий ва инновацион ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Бахтиёр БЕРДИАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Криминалогия тадқиқот институти
бошлиғи, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD),
Мунира КАХАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Криминалогия тадқиқот институти
илмий ходими, сиёсий фанлар
доктори.

Имконият

ОИЛАЛАР ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Хар бир оила ўз турмуш фаровонлигини таъминлаши учун мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилмоқда. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва уларни барқарор даромад манбаига эга қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол исботидир.



Биргина Каттакўрғонда 30 та маҳаллада йил бошида 1 689 та камбағал оила қайд этилганди. Жорий йилнинг 10 ойида 423 та оила камбағалликдан чиқарилди. Буни Каттакўрғон шаҳрининг Ингичка кўрғонидagi Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилаётган кўмаклар туфайли аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

— “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 30 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит ажратилганди, — дейди маҳаллада истикомат қилувчи Гулҳаё Ёрқулова. — Уйда тикувчилик билан шуғулланардим. Мазкур маблағ ҳисобидан 3 та замонавий тикув ускунасини харид қилиб, оилавий тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдим. Олдин ойлик даромадим 2-3 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир ойига 10 — 12 миллион сўм тоялман. Қўшимча сифатида шогирдлар тайёрлаш имконияти ҳам яратилди.

Гулҳаё Ёрқулованинг фаолияти нафақат оиласи фаровонлигига, балки маҳаллада аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига, хонадонлар иқтисодий барқарорлигининг ошишига ва ижтимоий фаоллигининг кўтарилишига ҳисса қўшмоқда.

Маҳаллада йил бошида 94 та оила камбағаллик реестрида қайд этилганди. Улардан 5 нафарига 127,5 миллион сўмлик ссуда ва субсидия, ўз тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлган 22 нафар фуқарога 420 миллион сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилди.

Жумладан, “Crystal textil invest” ва “Samkat mega star invest”

МЧЖларига қасаначилик йўналишида 663 миллион сўм миқдоридида субсидиялар берилди.

Ҳозирги кунда мазкур корхоналарда 67 нафар камбағал оила аъзолари иш билан таъминланиб, махсус кийим ва қўлқоп тикиш фаолияти билан шуғулланмоқда. Тайёр маҳсулотлар, асосан, маҳаллий бозорларга тарқатилиб, Россия Федерациясига ҳам экспорт қилинмоқда. Қозғистон ва Қирғизистон билан шартномалар тузиш устида ишлар олиб боришмоқда.

Аҳоли бандлиги ва камбағаллиқни қисқартиришда, аввало, камбағал оилалар даромадини оширишга эътибор қаратилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бош мутахассиси Назиржон Толибов. — Йил бошида 70 мингга яқин оилалар камбағаллик реестрида эди. Жорий йилда 30 мингдан зиёд оилалар камбағалликдан чиқарилди. 22 мингга яқин фуқаролар доимий иш билан таъминланди. 23 мингдан зиёд одамлар тадбиркорликка жалб этилди. 8 мингга яқин оилаларга кредит ва субсидиялар берилиб, 489 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди.

Каттакўрғонда олиб борилаётган чора-тадбирлар орқали нафақат аҳоли бандлиги таъминланмоқда, балки хар бир оила даромади оширилмоқда. Камбағаллик даражаси сезиларли равишда камайтирилмоқда. Бу эса маҳаллаларда ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий фаровонлиқни таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).



ТОШКЕНТ — КАТТА МУСОБАҚА МЕЗБОНИ



ҚУРЪА МАРОСИМИ ВАШИНГТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

ФИФА ташкилоти 2026 йилги жаҳон чемпионати қуръаси учун саватларни эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 3-саватдан жой олди.

Қуръа ташлаш маросими 5 декабрь куни АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги “Kennedy Center” мажмуасида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Турнирда иштирок этувчи жамоалар қуйидаги тартибда саватларга тақсимланди:

1-сават: Канада, Мексика, АҚШ (мезбонлар), Испания, Аргентина, Франция, Англия, Бразилия, Португалия, Нидерландия, Бельгия, Германия.

2-сават: Хорватия, Марокаш, Колумбия, Уругвай, Швейцария, Япония, Сенегал, Эрон, Жанубий Корея, Эквадор, Австрия, Австралия.

3-сават: Норвегия, Панама, Миср, Жазиор, Шотландия, Паравгай, Тунис, Кот-д’Ивуар, Ўзбекистон, Қатар, Саудия Арабистони, Жанубий Африка.

4-сават: Иордания, Кабо-Верде, Гана, Кюрасао, Гаити, Янги Зеландия, Европа плей-офф ғолиблари (“А”, “В”, “С”, “D”), ФИФА қитъаларо плей-офф босқичи 1 ва 2 ғолиблари.

Қуръа жараёнида ўн иккита гуруҳ тўртта жамоадан иборат бўлади ва хар бир саватдан биттадан терма жамоа танланади. Шу сабабли Ўзбекистон 3-саватдан жой олган терма жамоалар билан гуруҳ босқичида тўқнаш келмайди. Шунингдек, бир конфедерация вакиллари бир гуруҳга тушмаслиги белгиланган. УЕФА ташкилоти эса бундан мустасно, чунки Европа жамоаларининг сони кўп — 16 та.

Гуруҳ босқичида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар автоматик равишда

ри финал жанглирининг учинчи босқичига Тошкент мезбонлик қиладиган бўлди. Мусобақа келгуси йили ноябрь ойида ўтказилади.

Кубок баҳсларининг биринчи босқичи 2026 йил апрель ойида Бразилияда уюштирилса, иккинчи босқич июнда Хитойда ташкил қилинади.



кейинги босқичга чиқади. Уларга қўшимча равишда учинчи ўринни олган терма жамоаларнинг энг яхши саккизтаси ҳам плей-оффга йўл олади.

Қуръа маросимида УФА раҳбарлари, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Фабио Каннаваро, мураббийлар штаби ва ФИФА томонидан тақлиф қилинган ўзбек футбол афсонаси Миржалол Қосимов қатнашади.

ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗ ФУЖАЙРАДА СОВРИНДОР



Бирлашган Араб Амирликларининг Фужайра шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича “ССИЗ” таснифидаги халқаро мусобақа ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кумуш ва бронза медалларга эга чиқди.

Беллашуларда Абдурахмон Абдуллаев “Сабаллоне” лақабли оти билан 150 см. баландликдаги тўсиқлардан сакраш дастурида кумуш медални қўлга киритган бўлса, Бекзод Қурбонов “Маттс ВГ” билан 145 см. баландликдаги баҳсларда учинчи ўриндан жой олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент давлат юридик университетиди 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб сунъий интеллект асосида дарс сифатини баҳолаш тартиби жорий этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.46 Топширилди — 01.46 1 2 3 4 5 6